

# Methodological Foundations of The Field of Islamic Philosophy

Исақджанов Рамзиддин

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
ramziddinisakdjanov982@gmail.com



## Abstract

The article examines the study of works created by thinkers of the Islamic world by Eastern and Western scholars. Muslim philosophy is multifaceted, and the approaches of Western and Eastern researchers are also different. It is no secret that the rational view is studied more by Western scholars, and in general, philosophical analysis is characteristic of the West. In the Muslim world, there are also many researchers who conduct research based on Western methodology, which indicates the existence of a somewhat one-sided approach. One of the complex issues here is the rational analysis of theological views. In this regard, the phenomena of Al-Farabi, Ibn Sina, Ibn Rushd, and Imam Ghazali are unparalleled. The main issues in Muslim philosophy are reflected in the works of these scholars. Although Western research on Muslim philosophy has been significant to date, the work of Iranian, Turkish, Egyptian, and Indian scholars is also commendable. New approaches to the study of Eastern Muslim philosophy will make a worthy contribution to the improvement of the disciplines of religious studies, Islamic studies, and philosophy of religion in our homeland.

## Keywords:

## Introduction

### Кириш

Дунёда дин ва фалсафа уйғунлиги борасида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари мавжуд бўлиб, уларда Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий таълимотлари мазкур минтақа маънавий меросининг муҳим қисми сифатида тадқиқ этилган. Марказий Осиёдаги мантиқий-гносеологик ғоялар тарихини ўрганиш нафақат ўтмиш маданияти ва фалсафасини, балки ҳозирги даврга хос ғоявий жараёнларни тўғри тушунишга ҳам имкон беради. Ибн Синонинг илоҳиётга доир мероси Фарб мамлакатлари, россиялик, туркиялик, эронлик, тожикистонлик бир қатор олимлар томонидан ўрганилган бўлса-да, унинг диний-рационал қарашлари тизимли таҳлил қилинмаган. Олиб борилган тадқиқотларда асосан, Ибн Синонинг нафс, Рух, материянинг абадийлигига оид қарашлари тадқиқ этилган. Лекин олимнинг ислом дини манбалари, хусусан, Қуръони карим сураларига тафсиллари аксар тадқиқотчиларнинг

эътиборидан четда қолмоқда. Натижада, айрим тадқиқотларда алломани материалист қилиб кўрсатишга, уни юнон фалсафаси давомчиси сифатида талқин этишга ҳаракатларни кузатиш мумкин. Шу сабабли Ибн Сино тафсирини ўрганиш динийлик ва дунёвийлик уйғунлигини, шунингдек мўътадил ислом тамойилларини рационал йўл билан очиб беришда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда дин соҳасига, хусусан миллий ва диний кадриятларимизни қайта тиклаш ҳамда тўлақонли тадқиқ этиш, халқимизга соф кадриятларимизни етказишга катта эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, "...ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар ҳам бугун ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас"[1:82]. Шу маънода Абу Али ибн Сино илмий меросида фалсафага тегишли асарлар алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фалсафий қарашлари шаклланишида Арасту ва Форобийнинг таъсири катта бўлган. Лекин, Ибн Сино фалсафада бу икки файласуфлар қаторида алоҳида ўринга эга бўлиб, ўзига хос мактаб яратган мутафаккир экани эътироф этилган. Ислом таълимотига асосланган Ибн Сино фалсафаси мероси нафақат ислом, балки яҳудий ва насроний дини олимлари фалсафий тафаккурига ҳам таъсир ўтказиб, алломанинг диний-фалсафий қарашларини ўрганиш биланбир қаторда жамиятдаги мажуд диний масалаларни рационал тушунишга зарурат туғилмоқда.

## Асосий қисм

Ислом фалсафаси, хусусан, Ибн Синонинг метафизикага оид қарашлари бўйича олимлар томонидан муайян илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бу тадқиқотларда Марказий Осиёда яшаб ижод этган баъзи олим ва файласуфларнинг илм-фан равнақиға кўшган ҳиссаси, Шарқ фалсафасининг Европа олимларига таъсири, ислом ва тасаввуфнинг тарқалиши тўғрисида, калом илми ҳақидаги фикрлар баён қилинган. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари IX-X аср хусусиятларидан келиб чиққан бўлса-да, бугунги ислом фалсафасининг гносеологик ва эпистемологик масалалари таҳлилида муҳим роль ўйнайди.

Шарқ давлатларида ислом фалсафасини ўрганиш, уни тадқиқ қилишда катта ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Масалан, Миср Араб Республикаси Қоҳира университетининг Ислом фалсафаси факультетида ҳар йили ислом фалсафасининг турли долзарб муаммоларига бағишлаб халқаро анжуманлар ўтказилади ва анжуман материаллари тўплам ҳолида чоп этиб борилади. Анжуманларда мисрлик файласуфлардан Муҳаммад Шарқовий, Аҳмад Арафот ал-Қози ислом гносеологиясига оид маърузалари билан қатнашиб келадилар [2:27]. Муҳаммад Лутфий Жумъа ислом файласуфлари қарашларини таҳлилий тарзда тадқиқ этган [3:320]. Эрон ислом файласуфлари томонидан ҳам муҳим тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, ислом фалсафасига оид тадқиқот ишларидан бири ҳисобланган М.Фахрийнинг «Ислом фалсафаси тарихи» асари 1983 йили Насрулло Пур Жаводий таржимасида Техронда форс тилида нашр этилди. Туркия Республикасида ҳам ислом фалсафасига доир илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Улар орасида проф. И.Абдулҳамид, проф. М.Байрақдарнинг монографиялари[4:3] алоҳида ўрин тутуди.

Ғарб ва америкалик ислом файласуфлари: С.Наср, Г.Грюнебаум, П.Ландау, И.Фаруқи, Ж.Вилиямс, В.Монтгомери, М.Шариф, О.Лийман, Ф.Роузентал, У.Рудолфларнинг ислом

фалсафасига оид асарларида ислом фалсафасининг шаклланиши, унга таъсир кўрсатган омиллар, мусулмон файласуфларининг турли фалсафий қарашлари очиб берилган.

Собиқ совет даврида ҳам ислом фалсафасига доир илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Улар орасидан С.Григорян, А.Игнатенко, М.Степанянц, Н.Кирабаев, А.Мохаммедходжаев, В.Чалоян, Е.Фролова, Г.Шаймухамбетова, Т.Ибрагим, А.Сагадеев, С.Прозоровларнинг тадқиқотларида ислом фалсафасининг долзарб муаммолари, унинг муҳим йўналишлари бўлган тасаввуф фалсафаси, калом фалсафаси, улардаги асосий йўналишлар, қарашлар ўрганилган ҳамда ислом фалсафасининг Шарқ фалсафасида ва дунё маданиятида тутган ўрнини очиб беришга эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ислом файласуфлари ва мутафаккирларнинг фалсафий қарашлари ўрганилган, тадқиқотлар вужудга келган. Жумладан, Н.Комилов, А.Мансур, М.Қодиров, Р.Носиров, А.Шарипов, У.Алимов, А.Жузжоний, М.Ҳасаний, З.Мунавваров, Ш.Сирожидинов, М.Имомназаров, С.Оқилов ва бошқа олимларнинг илмий ишлари диққатга сазовордир.

МДХ давлатлари орасида Ибн Сино фалсафасини тадқиқ этган диссертациялар амалга оширилди. Р.Садыков., Ё.Ниёзов, М.Рахимов, Ф.Худойдодов, М. Каримова, З.Хакимова, С.Султонов каби олимларни санаб ўтиш мумкин.

Марказий Осиё фалсафаси, хусусан, мусулмон фалсафасини ўрганишда –ғарб тадқиқотчиларининг европацентризм ғояси мавжуд эканлиги хулосалар чиқаришга таъсир этганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Араблар рационал тафаккурига катта таъсир кўрсатган юнон фалсафасининг ўзи, балки бир неча тамаддунлар дунёқарашининг йиғиндисидан ташкил топган. Эрон халқлари тафаккури, Зардуштийлик таълимоти, Ведалар ва Буддизм дунёқарашни юнонларни қизиқтирган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Марказий Осиё фалсафа тарихига европацентристик муносабат таҳлили ўз-ўзидан Авестога бориб тақалади. Авестони қадимги юнон файласуфлари – Солон, Сократ, Фалес, Аристотель, Платон, Гераклит, Демокрит, кейинчалик Ғарб олимлари – Анкетиль дю Перон, Х. Бартоломе, М. Бойс, И. М. Стеблин-Коменский, Ж. Келенс, Ж. Дюшен-Гиенен, Х. Хумбах, Гёте, Данте, В. Б. Хеннинг тадқиқ қилишган. Шу сабабдан ҳам уларнинг фалсафий қарашларининг шаклланишига Авесто ўз таъсирини ўтказган.

Александр Македонский устози Аристотелни ўзининг барча босқинчилик юришларида олиб юрган. Шу сабабли ҳам Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний Авестони Александр Македонский ёқиб юборгач, унинг (Авестонинг) “бешдан учи йўқолиб кетди” деган маълумотидаги “Авесто”нинг йўқолган “уч қисми” Аристотелга совға-тортиқ қилинган ёки Аристотель (ёки Авестонинг бошқа тўлиқ нусхасини) эгаллаб олган. Чунки Аристотель қарашлари ва фалсафий таълимотларида ҳам, бошқа қадимги юнон файласуфларидаги сингари Авестонинг “ҳиди” келиб туради [5:52].

Дарҳақиқат, Александр Македонский ва унинг устози Аристотель Осиёнинг бу бетакрор меросидан баҳраманд бўлганлар, саҳифалар эса юнон тилига таржима қилингани ўша давр учун фойдадан холи бўлмаган, албатта. Платон шундай дейди: “Биз, эллилар, варварлардан олган ҳамма нарсани ўзимизники қилиб оламиз ва яна уни камолот чўққисига кўтарамиз”.

Лекин шундай бўлса-да, Ғарб тадқиқотчилари Шарқ файласуфлари ҳақида гап кетганда улар гўё кўприк вазифасини бажарганликларига ишора қиладилар.

АҚШлик олим Фредерик Старр Марказий Осиёнинг 9-12 асрлардаги даврини “олтин аср” деб атади: “Марказий Осиёнинг олтин аср мутафаккирлари илмий ҳақиқатга етишишнинг бир эмас, бир нечта усуллари мавжудлигини, шу жумладан, дедукция, мантикий далиллаш, интуиция, эксперимент ва кузатув усуллари” [6:48]. Шунингдек, Старр Ибн Синони илоҳиёт соҳасида диннинг рационал асосини тадқиқ қилган, деб ёзади.

Фредерик Старр ўз асарларида Шарқ тафаккурига юқори баҳо берар экан, барча воқеа ва тафсилотларни чуқур ўрганган. Лекин, унинг услубида “ғарбча тадқиқот” етакчилик қилишини англаш мумкин. Масалан: У Берунийнинг “Осор ул-бақия” асари ҳақида фикр билдирар экан, унинг баъзи фикрлари мунозарали кўринади: Берунийни йилнинг муддатини аниқлаштириш кўпроқ қизиқтирар эди. Гўёки Берунийнинг фикрича, хижрий йил ҳисобида хатоликлар мавжуд бўлиб, бу борада у қадимги мисрликларнинг секундларгача ҳисобга олганликларини юқори баҳолаган.

“Тафаккурни севмайдиган турклар” бобида у шундай дейди: Марказий Осиёда фан ва фалсафа инқирозини бу заминга туркийлар кириб келиши билан боғлиқ эканлигига оид гипотеза мавжуддир. Бунга кўра Марказий Осиёдаги илмий тараққиёт форс Шарқдаги цивилизация билан боғлиқ. Туркийлар бир неча асрлардан сўнг тафаккурни аста секин йўқ бўлиш даврида ҳукм сурдилар. Мазкур қарашларни асосий тарафдори рус тарихчиси Бартольд бўлган. Балки гап, турклар ҳақида эмас, балки уларнинг кўчманчи бўлганлигидир. Бартольд туркий халқларнинг кўчманчи маданияти ўтроқ халқларнинг ривожланган мантиғи ва математикасига душманона кайфиятда бўлган деб ҳисоблайди.

1980 йилда академиклар Е.М.Примаков, М.С.Асимов, Э.Ю.Юсупов, Г.А.Ашуров, фалсафа фанлари доктори В.Е.Евграфов ва фалсафа фанлари номзоди Е.А.Фролова муҳаррирликларида Ибн Синонинг таваллудининг 1000 йиллигига бағишлаб “Ибн Сина” номли китоб нашр этилди. Унда алломанинг “Ишорот ват-танбеҳот”, “Рисалату-руҳ” каби асарлари таржимаси ва изоҳлар берилди.

Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллигига бағишлаб 1973 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси (ўша вақтда ЎзССР) китоб нашр этди. Мазкур китобда Берунийнинг борлиқ ҳақидаги қарашларига Ибн Сино таъсир кўрсатганлиги айтиб ўтилади.

Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида ёруғлик нури материянинг бир кўринишидан иборат бўлиб, маълум тезликка эга эканлигини билган ва товуш тезлиги билан таққослаб кўрган. Бу ҳақда у қуйидагиларни ёзади:

“Баъзилар нур ҳаракати жисм бўлмагани учун замонсиз дейдилар. Баъзилар эса замон билан вужудга келади, лекин нур ҳаракати билан унинг тезлиги орасида солиштирарлик, у билан нур ҳаракатининг суръатини ҳис эттирарлик ва тушунтирарлик бир нарса йўқдир. Чунончи, урганда тўқмоқнинг ҳавода товуш тарқатиши нурнинг ҳаракатидан оғирроқ бўлиб, бу иккинчисини таққослаганда кейингисини ажратиб бўлади. Нур ҳароратининг сабабини баъзилар нур акси кўриниши бурчакларнинг ўткирлигидан дейдилар. Бундай эмас, балки қизиш нур билан мавжуддир” [7:301].

Бундан маълум бўлишича, Беруний ёруғликнинг иссиқлик таъсирини тўғри изоҳлаган. У фикрини давом эттириб, хусусан шу ҳавонинг қизиши бобида мен билан фозил йигит Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино ўртасидаги музокараларда шу даъвони баён қилдим – дейди [8:171].

Бевосита ислом фалсафасининг маълум бир жиҳатлари, унинг шаклланиши, унга юнон маданиятининг таъсири, бу даврдаги хурфикрлик ва комил инсон ғоялари, мантикий қарашлари, хоссатан, Ибн Сино ва Ғаззолий каби файласуф ва мутафаккирларнинг қарашлари, ундаги гносеология масалаларини қисман тадқиқ қилган ўзбекистонлик файласуфлар М.Хайруллаев, О.Файзуллаев, М.Абдуллаева, Р.Носиров, М.Қодиров, Х.Алиқулов, М.Болтаев, М.Усмонов, А.Шарипов, Р.Баҳадиров, А.Зоҳидий, М.Жакбаров, Д.Файзиходжаеваларнинг тадқиқотлари ислом фалсафасидаги гносеология масалаларини ёритишга катта ёрдам беради.

Шарқ давлатларида ҳам ислом фалсафасини ўрганиш, уни тадқиқ қилишда катта ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Масалан, Миср Араб Республикаси Қоҳира университетининг ислом фалсафаси факультети ҳар йили ислом фалсафасининг турли долзарб муаммоларига бағишлаб халқаро анжуманлар ўтказиши ва анжуман материаллари тўплам ҳолида чоп этиб борилади. Бунда мисрлик файласуфлардан Муҳаммад Шарқовий, Аҳмад Арафот ал-Қозилар ислом гносеологиясига оид маърузалар қилганлар [9:27]. Эронлик олим Саййид Муҳаммад Хотамий Марказий Осиё гносеологияси ҳақида гапирар экан, “Ислом цивилизациясида ғоянинг ўрни” бобида 3та муҳим оқим ҳақида гапириб ўтади.

... ислом цивилизациясининг ғоявий-тафаккурий тараққиёти бир-бири билан муқобил бўлган учта муҳим оқим таъсирида давом этди, уларни шартли равишда “тошаро”(шариат сўзидан олинган), тасаввуф ва рационализм деб номлаш мумкин [10:45].

“Ислом фалсафасининг “иккинчи муаллими”нинг улуғворлиги шундаки, у жидду жаҳд қилиб, шундай бир тафаккур тизимини яратдики, ўзидан кейингиларга фақат унинг ғояларини шарҳлаш қолди, холос. Нима бўлганда ҳам уни шунинг учун “иккинчи муаллиф” дейиш жоизки, у “фалсафа” истилоҳини фан ва билимларнинг турли соҳаларида қўллади ва амалда ислом фалсафасини яратди” [10:69].

Дарҳақиқат эронлик олим Форобийга жуда юқори баҳо беради. У Форобийни ислом фалсафасини асосчиси деб айтиши катта янгиликдир. Лекин, унинг бу асарида фалсафа тарихини ўрганишдан мурод шиа ҳукмдорлари сиёсий фаолиятига оидинлик киритиш ва уларнинг “мазлум” эканлигини исботлаш кайфияти намоён бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

Ғарб шарқшунос ва диншунос олимлари Ибн Сино меросини чуқур ўрганган бўлсаларда, “европача устуворлик” ёндашувидан воз кеча олмаганлар. Ваҳоланки, ғарб, тўғрироғи қадимги юнон тафаккурининг асосини дунё халқлари тамаддуни ташкил қилади.

Ғарб олимлари Ибн Сино каби мутафаккирларни ўз маданияти танқидчисига айлантормоқчи бўладилар.

Эронлик олимларнинг бу соҳада меҳнатлари беқиёсдир. Аммо шиалик таълимоти таъсирини унутмаслик керак.

Ибн Сино, Форобий каби даҳоларни “ислом фалсафаси” асосчиларидир дейишга тўлиқ асос мавжуд.

Шўролар даври тадқиқотчиларидан А.Сагадеев Ибн Сино феноменини чуқур ўрганган олимлардандир. Лекин, унда ҳам юнон ва яҳудий қадимги тафаккурни асос қилиб олиши ўқувчида савол туғдириши мумкин.

Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, Ибн Сино теологик тафаккурини, хусусан Қуръонга тафсир китобларини “европача устунлик” намояндалари деярли ўрганмаганлар. Бу борада эронлик олимлар ва ҳиндистонлик тадқиқотчилар меҳнати салмоқлидир.

## Хулоса

Ислом фалсафаси деб аталмиш соҳа XIX асрнинг ўрталарида Ғарбда пайдо бўлди. Тадқиқотларнинг кўламига кўра ғарб олимлари томонидан олиб борилган ишлар салмоқли эканлигини эътироф этиш зарурдир. Тадқиқотлар фалсафанинг онтология, гносеология соҳаларини қамраб олган бўлиб асосан ғарбга хос бўлган материалистик хулосалар билан яқунланади. Тадқиқ этилган мавзулар эса мусулмон файласуфлари таснифлаган мантик, табиийёт, риёзийёт ва қисман илоҳийётни қамраб олади. Бу ерда айнан илоҳийёт соҳасини қисман ўрганилганини қайд этишга асос мавжуддир.

Шарқ олимлари эса, хусусан, Туркия, Эрон, Миср каби давлатлар тадқиқотчилари мусулмон файласуфларини айнан илоҳийёт мавзусига оид асарларини тадқиқ этганликларини салмоқли дейиш мумкин. Нафақат Ғарбда, хатто Шарқ мамлакатларида ҳам Ибн Сино, Ибн Рушд, Имом Ғаззолий каби олимларнинг илоҳийётга оид баъзи асарлари етарлича ўрганилмаганлиги Ислом метафизикаси тадқиқ этилиши зарурлигини кўрсатади.

Ислом фалсафасида илоҳийёт ёки теологияни ўрганиш ҳақида гап борар экан, Қуръон тафсирлари, ҳадислар, умуман, (ислом теологияси гносеологиясида фойдаланиш) араб фанларидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Муҳаммад Шарқовий. Ал-Фалсафат ал-исламия ва таквин ал-ҳисс ан-нақдий. – Қоҳира, 1997.
3. Доктор Муҳаммад Лутфий Жумъа. Тарих фалосифати-л-ислам. – Қоҳира, Мактабатул аъламил кутуб., 1999.
4. Ирфон Абдулхамид. Исломда эътиқодий мазҳаблар ва ақоид асослари. – Истанбул: Оғул матбааси, 1994.; Доктор Мехмет Байрақдар. Ислам фелсефесийа кириш – Анкара, 2003.
5. Хаитов Ш. Ўзбекистон фалсафа тарихи. “Ношир” – Тошкент-2011.
6. Стивен Фредерик Старр. Утраченное просвещение: Золотой век Центральной Азии от арабского завоевания до времени Тамерлана. Москва. Альпина Паблшер, 2017.
7. Абу Райхон Беруний, Танланган асарлар, 1 том, Тошкент, “Фан” нашриёти, 1968.
8. Беруний. Туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланган тўплам. Масъул муҳаррирлар: Каримов У., Ирисов А. Т., “Фан”, 1973.
9. Муҳаммад Шарқовий. Ал-фалсафат ал-исламия ва таквин ал-ҳисс ан-нақдий. – Қоҳира, 1997.
10. Сайид Муҳаммад Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. “Минҳож” – Тошкент-2003.
11. Ниёзов Ё.Б. Философия Ибн Сины в оценке современных арабских исследователей: Дисс. ... канд. ф. наук, - Душанбе: Институт философии им. ак. А.М. Богоутдинова АН РТ, 2010.

12. Худойдодов Ф.Б. Сопоставительный анализ теорий суждений Аристотеля и Ибн Сины: Дисс. ...канд.ф.наук. – Москва: Институт философии им.ак. А.М.Богоутдинова АН РТ, 2011.
13. Файзиходжаева Д. IX-XI асрларда Марказий Осиё мутафаккирларининг мантикка оид қарашларида исботлаш муаммолари: Фал. фан. ном. ... дисс. –Т.: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1999.
14. Мусинов Ф.У. Илк ўрта аср мусулмон фалсафасининг «ақл» ҳақидаги таълимотлари тарихидан (IX-XII асрлар): Фал. фан. ном. ... дисс. –Т.: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 1999.
15. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда IX – XII асрларда маданий тараққиёт: Уйғониш даври маданияти. – Т.: Фан, 1994.
16. Фролова Е. А. История средневековой арабо-исламской философии. –М.: Наука, 1995.
17. Фалсафа ва фанда рационализм муаммоси / Мас. мух. М.Н.Абдуллаева. – Т.: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007.
18. Р.Исақджанов. Ибн Синонинг теологик таълимотида рационал тамойиллар ва уларнинг шаклланиш хусусиятлари. Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2019. Ислом зиёси. 2019 йил 3-сон.
19. Р.Исақджанов. Ибн Сино ва Ғаззолийнинг илоҳиётга оид қарашларининг ислом фалсафий фикр тараққиётига таъсири. Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2024. Ислом зиёси. 2024 йил 2-сон.
20. Р.Исақджанов. Илоҳиётни рационал тамойиллар воситасида тушуниш. Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2023. Ислом тафаккури. 2023 йил 2-махсус сон.